



ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРҒИЗИСТОН: ДЎСТЛИК ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғизистон Республикаси Президенти Сапар Жапаров 11 март куни давлат таширифи билан мамлакатимизга келди.

Қирғизистон раҳбари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйди.

Кўксарой қароргоҳида олий даражадаги Ўзбекистон — Қирғизистон саммитининг асосий тадбирлари ўтказилди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентларининг тор доирадаги музокараси бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида Президент Шавкат Мирзиёев Сапар Жапаровни Қирғиз Республикаси Президенти этиб сайлангани билан яна бир бор табриклаб, қирғиз халқининг фаровонлиги йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Очқ ва дўстона руҳда ўтган учрашувда давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолатини юқори баҳолади. Сиёсий, савдо-иқтисодий ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг кенг қўламли масалаларини муҳокама қилди.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида мустаҳкамлаб бориш, аввал қабул қилинган ҳужжатларни амалга ошириш йўлида қатъий эканини тасдиқлади. Барча соҳалардаги ҳамкорликни изчил кенгайтириш учун олий ва юқори даражадаги сиёсий мулоқотни мунтазам давом эттиришга келишиб олинди.

2017 йил 5 сентябрда имзоланган Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегараси тўғрисидаги шартноманинг тарихий аҳамияти қайд этилиб, мазкур чегаранинг қолган қисмларини ҳам делимитация

қилиш мақсадида Ҳукуматлараро комиссия музокараларни фаоллаштириш бўйича кўрсатма берилди.

Мулоқотда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Қўллаб масалалар бўйича томонларнинг позицияси бир хил экани намоён бўлди.

Қирғизистон Президенти Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорлик ва интеграцияни мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари маслаҳат учрашувларини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашини билдирди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АБУ-ДАБИ ВАЛИАҲДИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

11 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қурулли Кучлари Олий бош қўмондонини ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зайд Ол Наҳаённинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Абу-Даби валиаҳдини тававалуд кун билан самимий муборакбод этиб, дўст Амирликлар халқи фаровонлиқ, муваффақиятлар ва раванқ тилади.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

2019 йил март ойда Бирлашган Араб Амирликларига амалга оширилган олий даражадаги ташрифта эришилган келишувларни

рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди.

Энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, молия, инфратузилма йўналишларида йирик қўшма лойиҳаларни, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги қатор муҳим дастурларни амалга оширишнинг давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС



Ўзбекистон — Германия:

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ КЕНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув бўйича саъй-ҳаракатларни жадал бошлаб юборди.

Етакчи хорижий давлатлар билан тенг ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш ёш республикамиз суверенитетини мустаҳкамлаш, миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш,

барқарор иқтисодий тараққиёт, эркин демократик давлат қуриш учун қўлай шарт-шароитлар яратишда муҳим роль ўйнади.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЙИЛҚИЧИЛИК ВА ОТ СПОРТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ БЕШКУРАШ ВА ПОЛО СПОРТ ТУРИНИ ОММАЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда йилқиччилик, наслчилик ва от спортини ривожлантириш, маҳаллий зотдор отларни кўпайтириш, замонавий бешкураш ва поло спорт турини оммалаштириш, соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар Ўзбекистонда йилқиччилик ва от спортини (кейинги ўринларда — от спортини) ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатда от спортини ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турларини аҳоли ўртасида энг оммавий спорт турларидан бирига айлантириш, иқтидорли ёшларни танлаш, саралаб олиш (селекция) ва уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

от спортини ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турларини билан шуғулланиш учун зарур моддий-техник база ва инфратузилмани шакллантириш, шу жумладан, от спортини клублари фаолиятини ривожлантириш, терма жамоалар учун ўқув-машқ жараёнини самарали ташкил этиш;

Қурулли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жисмоний тайёргарлик машғулотирига бошқичма-бошқич от спортини ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турларини киритиш;

от спортини ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турларини ривожланган мамлакатлар билан рақобат қила оладиган даражага етказиш, халқаро талаб ва стандартлар асосида мутахассисларни тайёрлаш, йирик халқаро мусобақалар, жумладан, Усмирлар, ёшлар ва хотин-қизлар жамоалари ўртасида жаҳон ва қитъа биринчиликлари ўтказиш;

от спортини ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турларини аҳоли ўртасида, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш.

2. Бош вазирнинг ўринбосари А.А.Абдуҳақимов Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон йилқиччилик ва от спортини федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерацияси, Ўзбекистон ҳалқаро ташкилотлар билан биргаликда 2021 йил 1 июнга қадар мазкур қарорда белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, соҳада катта тажрибага эга бўлган маҳаллий ва хорижий мутахассислар ҳамда ташкилотларни жалб этган

ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонда йилқиччилик, от спортини, замонавий бешкураш ва поло спорт турини 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастурини мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар) ҳамда уни амалга оширишга доир йиллар бўйича “Йўл харитаси” билан биргаликда тасдиқлашни назарда тутувчи қарори лойиҳасини белгилашнинг тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Вазирлар Маҳкамаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон йилқиччилик ва от спортини федерациясининг:

Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида от спортини ривожлантириш, насли ва зотдор отларни кўпайтириш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий туристларнинг дам олишини ташкил қилиш учун зарур инфратузилма объектларидан (ипподром, стадион, сузиш хавзаси, меҳмонхона, даволаш-соғломлаштириш мажмуаси, кафе, ветеринария дорихонаси, ўқув маркази, спорт ва зотдор отлар учун ветеринария клиникаси) иборат кўп тармоқли спорт мажмуаларини давлат-хусусий шериклик асосида барпо этиш;

▶ Давоми 3-бетда

ЯГОНА ОИЛАДА



МАНАС: ЯНГИЛАНИШ ВА ОБОДЛИК ГЎШАСИ

2018 йилда Ўзбекистонда мисли қўрилмаган катта лойиҳа — “Обод қишлоқ” дастури амалга оширилгани, бу хайрли иш Дўстлик туманининг Манас қишлоғида бошланиб, унинг бошида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шахсан ўзи тургани бутун дунёга шов-шув бўлгани рост гап.

Ҳа, Манас юртимизда “Обод қишлоқ” дастурини татбиқ этишда ўзига хос намуна, таъбир жоиз бўлса, ишончли ва мустаҳкам пойдевор сифатида тарихга кирди. Зеро, 6 минг 300 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилиб келган ушбу манзил ўша пайтда хароб ҳолга тушиб қолган, инфратузилма иншоотлари, кўча ва йўللار ташландиқ, ичимлик сув, иссиқлик, электр энергияси таъминоти издан чиққан, савдо,

маданий-маиший хизмат, сервис соҳалари талабга мутлақо жавоб бермас эди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва алоҳида эътибори билан “Обод қишлоқ” дастури асосида қисқа муддат ичида мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Қурувчилар, бошқа соҳалар ходимлари бу лойиҳани рўёбга чиқариш учун кечаю кундуз меҳнат қилди.

Қишлоқ ҳудудидан сизот сувлар кўтарилиб кетган, бу эса давлат ва жамоат бинолари, аҳоли турар жойлари, бошқа иншоотлар пойдеворининг зах босишига, деворларининг нурашига сабаб бўлаётган эди. Шунинг учун, биринчи галда, қишлоқ атрофидаги 41 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари тозаланди.

▶ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРГИЗИСТОН: ДЎСТЛИК ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Бошланиши 1-бетда

Томонлар ушбу форматдаги учинчи учрашувини 2021 йилда ўтказиш муҳимлигини қайд этдилар.

Марказий Осиёга тегишли барча масалалар минтақа давлатларининг ўзи томонидан, ўзаро фойда ва манфаатларни ҳурмат қилиш тамойили асосида ҳал этилиши муҳимлиги таъкидланди.

Халқаро майдонда, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича ҳам яқдил фикр билдирилди.

Садир Жапаров Қирғизистон делегациясига кўрсатилаётган илиқ меҳмондўстлик ва самийий қабул учун Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдириб, давлатимиз раҳбарини ўзи учун қулай вақтда Қирғиз Республикасига ташриф буюришга таклиф қилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Президенти Садир Жапаров музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокисида давом эттирдилар.

— Биз тор доирадаги учрашувда муҳтарам Садир Нурғожоевич билан Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатларининг барча долзарб масалаларини очик, конструктив, батафсил муҳокама қилдик. Қардош мамлакатларимизни кўп асрлик дўстлик ва яхши кўшнчилик ришталари боғлаб туради. Биз стратегик шерикларимиз ва бу шунчаки сўзлар эмас. Коронавирус пандемияси бир-биримизга қанчалик боғлиқ ва кераклигимизни яна бир бор кўрсатди. Шу боис, илгари айтган гапларимизни яна қайтараман: биз Қирғизистон билан жиддий ва кенг қўламли ҳамкорликни режалаштирганмиз. Бу йилда барча имконият ва ресурсларимизни ишга солишга тайёрмиз. Энди ҳукуматларимиз, вазирилик ва идораларимизнинг қўшма ишлари натижага йўналтирилиши керак. Бош вазирлар ўринбосарлари ҳар ой бир марта Президентга қилинган ишлар ва мавжуд муаммолар ҳақида ҳисобот бериши ҳақида келишиб олдик. Халқларимиз гапдан амалий ишларга ўтилаётганини ҳис этиши керак, — деди давлатимиз раҳбари.

— Сунгли йилларда икки мамлакат муносабатлари мустаҳкамланиб, дўстона алоқалар стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси билан икки томонлама муносабатларнинг барча соҳаларида дўстона ва яхши кўшнчилик алоқаларини изчил ривожлантириш Қирғизистон Республикасини ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Қирғизистон савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ҳар томонлама кенгайтиришга алоҳида аҳамият

беради. Биз ўзаро товар айирбошлаш ҳаммини икки миллиард АҚШ доллариға етказиш мақсадида ҳар икки мамлакат бозорларига товар ва хизматларнинг кириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича биргаликда ишлашга тайёрмиз, — деди Қирғизистон Президенти.

Музокараларда асосий эътибор икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Таъкидланганидек, бу борадаги кўрсаткичлар ижобий динамикаға эға. Хусусан, сўнгги тўрт йилда ўзаро савдо беш баробардан зиёда ўсган ва 900 миллион доллардан ошган.

Давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш стратегик шериклигининг устувор йўналиши эканини таъкидлади. Савдо айланмасини диверсификация қилиш ва номенклатурасини кенгайтириш орқали келуси йилларда унинг ҳаммини икки баробар кўпайтириш имконияти борлиги қайд этилди.

Шу мақсадда икки мамлакат бозорларида харидоригр бўлган, жумладан, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар етказиб бериш, ташқи савдо инфратузилмаси ва экспорт-импорт операцияларини қўлаб-қувватлашға келишиб олинди. Савдо-иқтисодий алоқалар ривожиди Ўзбекистон Республикаси билан Қирғиз Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия муҳим ўрин тутаетгани эътироф этилди. Келишувларни амалга ошириш мақсадида ҳукумат раҳбарларига комиссиянинг навбатдаги йиғилишини тез орада ўтказиш вазифаси қўйилди. Савдо уйлари фаолиятини кенгайтириш, бизнес форумлар ва саноат маҳсулотлари курғазмаларини ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида саноат кооперацияси бўйича аниқ лойиҳаларни амалга оширишға келишиб олинди. Булар, хусусан, Қирғизистонда энгил автомобиллар, қишлоқ хўжалиги техникалари, машишии техникаларни йиғишни йўлга қўйиш, шунингдек, чегараолди ҳудудларда тўқимачилик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳалардир.

Эълон қилинган капитали 200 миллион АҚШ доллари бўлган Ўзбекистон — Қирғизистон инвестиция жамғармаси ташкил этилиши белгиланди, икки мамлакат ҳукуматлариға унинг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Транспорт соҳаси ва транзит йўлақларини ривожлантириш — Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳамкорлигининг муҳим йўналиши. Бу борадаги сазй-ҳаракатлар ташқи бозорларға яқин ва самарали чиқишни таъминлайди. Айниқса, “Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой” темир йўлининг қурилиши стратегик аҳамиятға эға. Президентлар мазкур йўлнинг қисқа вақтда

барпо этилиши икки мамлакат манфаатларига тўлиқ мос келиши, минтақамизнинг транзит салоҳиятини юзаға чиқариб, жозибдорлигини оширишини алоҳида таъкидладилар. Шу боис, ушбу муҳим лойиҳа бўйича ишларни биргаликда давом эттиришға келишиб олинди.

— “Тошкент — Андижон — Ўш — Ирқиштом — Қошғар” халқаро мультимодаль йўналиши ҳам савдо ҳажми ортишиға хизмат қилади. Шунингдек, икки мамлакат шаҳарлари ўртасида автобус, темир йўл ва авиақатновларни қайта тиклаш юк ташиш, йўловчи ва туристлар оқимининг кўпайишида муҳим омил бўлади.

Алоқаларнинг яна бир катта йўналиши — ҳудудлараро ҳамкорлик. Бу борада 2017 йил 5 сентябрда ҳукуматлар ўртасида битим ҳамда икки мамлакат вилоят ва шаҳарлари ўртасида келишувлар имзоланган. 2018 йилда Ҳоқимлар ва чегарадош вилоятлар маъмуриятлари раҳбарлари кенгаши тузилган.

Учрашувда ҳудудлараро ҳамкорлигини яна фаоллаштириб, зришилган келишувлар ижросини таъминлаш, чегараолди вилоятларни комплекс ривожлантириш, давлат чегарасидан ўтказиш пунктларида аҳоли учун қулай шароитлар яратиш зарурлиги таъкидланди. Ушбу келишувлар ташриф арасида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳамда Ўш, Жалолобод, Боткен ва Норин вилоятлари томонидан келишиб олинган “йўл хариталари” доирасида амалға оширилди.

Томонлар Марказий Осиёдаги сув-энергетика ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш тарафдорли эканини яна бир бор тасдиқлади. Бу йўналишдаги ҳамкорлигининг узоқ муддатли барқарор механизмларини ишлаб чиқишға келишилди. Ўзбекистон Қирғизистонда гидроэнергетика лойиҳаларини амалға оширишда қатнашишға тайёрлигини билдирди.

Учрашувда халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашининг муҳим омил бўлган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Фан, таълим, маданият, спорт ва туризм каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича яқдил фикр билдирилди. Давлат раҳбарлари маданий алмашинувлар икки халқ ўртасида ўзаро тушуниш ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлашға хизмат қилишини таъкидлаб, маданият кунлари ва бошқа гуманитар тадбирларни қайта тиклашға келишиб олдилар.

Қирғизистон Президенти коронавирис пандемияси даврида Ўзбекистон томонидан кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами учун миннатдорлик билдирди. Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасида, жумладан, дори-дармон ва тиббиёт воситалари етказиб бериш борасидаги алоқаларни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Музокаралар яқунланганч, имзоланган ҳужжатларни алмашиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари Қўшма баёнот қабул қилдилар. Шунингдек, икки мамлакат вазирилари ва ҳудудлари раҳбарлари имзоланган ҳужжатлар билан алмашилдилар. Умуман, ташриф доирасида кўп қиррали Ўзбекистон — Қирғизистон шериклигининг деярли барча йўналишларини қамраб олган 22 та ҳужжат имзоланди.

Қарийб 50 та қўшма лойиҳани амалға ошириш назарда тутилган Саноат кооперациясини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси, Ўзбекистон — Қирғизистон Инвестиция фондини ташкил этиш тўғрисидаги битим, электр энергиясини ўзаро етказиб бериш, Қирғизистонда гидроэнергетика объектларини куриш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар шулар жумласидан.

Андижон ва Ўш, Наманган ва Жалолобод, Фарғона ва Боткен, Норин вилоятлари ўртасидаги ҳамкорлигини янада кенгайтириш бўйича “йўл хариталари” худудлараро ҳамкорлигини мустаҳкамлашға хизмат қилиши шубҳасиз.

Шунингдек, ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги ҳамкорлик дастури ҳамда божхона иши, харбий ва харбий-техник ҳамкорлик, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги, ўсимликлар карантини, таълим, фан ва маданият соҳалари бўйича қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев музокаралар ишонч муҳитида ўтгани, томонлар ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобға олиш тамойиллари асосида кенг миқёсли вазифаларни ҳал қилишға тайёр эканини қайд этди.

— Биз икки томонлама муносабатларнинг барча долзарб масалаларини муҳокама қилдик. Устувор эътибор савдо-иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтиришға қаратилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш чораларини қўришға келишиб олдик. Шу мақсадда ишбилармонлар ўртасидаги алоқалар фаоллаштириш учун қулай шароитлар яратилади, савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, инфратузилма соҳаларида умумий қиймати 900 миллион АҚШ долларидан зиёда бўлган янги лойиҳалар амалға оширилади. Уларнинг барчаси ҳозиргина қабул қилинган “йўл харитаси”ға киритилди. Инвестиция жамғармасининг ташкил этилиши бу лойиҳаларни амалға оширишға хизмат қилади.

Ўзбекистон — Қирғизистон шериклигида, шубҳасиз, муҳим ўрин тутадиган ҳудудлараро ҳамкорлигини фаоллаштириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Биз чегараолди вилоятлар ҳамкорлигининг мунтазам учрашувларини ўтказиш, аниқ лойиҳа ва тадбирларни амалға оширишға келишиб олдик.

Ишончли ва самарали транспорт йўлақлари мамлакатларимиз иқтисодиётлари учун улкан аҳамиятға эға. Бу борада сўз юртиганда, аввало, “Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой” темир йўли ҳамда “Тошкент — Андижон — Ўш — Ирқиштом — Қошғар” мультимодаль йўлагини қайд этиш лозим. Биз ушбу йўналишларни илгари суриш бўйича ўзаро мувофиқлашган чоралар қўриш тўғрисида ахдлашиб олдик, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимизда қишлоқ жойларни ободонлаштириш бўйича бошланган кенг қўламли “Обод қишлоқ” дастури Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги, асосан, этник қирғизлардан иборат фуқаролар яшайдиган Манас қишлоғидан бошлангани ҳам халқимизнинг қардош қирғиз элиға бўлган ҳурмат-эҳтиромининг ёрқин ифодаси экани таъкидланди.

Давлат раҳбарлари савдо ва божхона иши, инвестициялар, саноат кооперацияси, транспорт, сувдан фойдаланиш, энергетика, экология соҳаларида икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш, мудфеаа идоралари ўртасидаги, терроризм ва диний экстремизмға қарши курашиш бўйича ҳамкорлигини, маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш зарурлигини қайд этдилар.

Президент Садир Жапаров музокараларда кенг қўламли масалалар бўйича фикр алмашилгани, унинг натижаларидан мамнун эканини қайд этди.

— Ўзбекистон Қирғизистоннинг асосий савдо шерикларидан биридир. Ўзаро ҳамкорлигининг барча жиҳатларини фаоллаштириш мақсадида парламентлараро ва ҳукуматлараро комиссиялар мажлислари, чегараолди вилоятлар ҳокимларининг учрашувлари яқин вақтларда ўтказиш режалаштирилди. Бизнес вакилларига қулай муҳит яратиш, товар айирбошлаш ҳажмини оширишға келишиб олдик, — деди Қирғизистон Президенти.

Маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда қирғиз миллиятиға мансуб 300 миңға яқин фуқаролар яшайди. Уларға ўз тили, маданияти ва аъналарининг асраш ҳамда ривожлантириш учун барча имконият яратилган.

Халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш мақсадида маданият ва кино кунлари, ёшлар форумлари, фестиваль ва қўрғазмалар ташкил этишға келишиб олингани айтилди. Қирғизистон ёшларига Ўзбекистоннинг етакчи олий ўқув юртиларида таълим олиш учун ҳар йили устувор йўналишлар бўйича грантлар ажратиш режалаштириллаётгани маълум қилинди.

Қирғизистон Республикасини Президент Садир Жапаровнинг мамлакатимизға давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Ўзбекистон — Германия:

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ КЕНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон учун ана шундай ишончли ҳамкорлардан бири — 1991 йил 31 декабрь куни республикамиз мустақиллигини тан олган Германиядир. Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил 6 март куни ўрнатилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Германия кўп қиррали муносабатлари барча соҳаларда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шериклик ва ҳамкорлик тусини олди.

Айни пайтда ўзаро муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси шакллантирилган бўлиб, у 140 дан ортиқ ҳужжатни ўз ичига олади.

Давлатлар ўртасидаги сиёсий мулоқот олий ва юқори даражада амалға оширилмоқда. Утган вақт мобайнида 7 та олий даражадаги ташриф ўтказилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 20-22 январь кунлари Германияға расмий ташрифи ва ушбу мамлакат раҳбарияти билан Берлинда ўтказилган самарали музокаралар, шунингдек, Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг ўша йилнинг 27-29 май кунлари Ўзбекистонға жавоб ташрифи кўп қиррали ва узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликка қучли туртки берди.

Ўзбекистон ва Германия ўртасида глобал ва минтақавий кун тартибидидаги долзарб масалалар бўйича конструктив ҳамкорлик кўп томонлама, яъни БМТ, ЕХХТ ва бошқа ташкилотлар доирасида ҳам амалға оширилмоқда. Тошкент ва Берлин кўлаб масалаларда, жумладан, терроризмға қарши курашиш, уюшган жиноятчилик, наркотрафик ва Афғонистондаги вазиятни ҳал этиш бўйича ўхшаш ёки яқин позицияларға эға.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Германия Бундестаги билан ҳамкорлик бўйича “Ўзбекистон — Германия” гуруҳи мавжуд. Германия парламентида эса “Германия — Марказий Осиё” парламент гуруҳи фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Германия ташқи ишлар вазирилари ўртасидаги мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар икки томонлама муносабатларнинг бугунги кун тартибини муҳокама қилишининг самарали механизми ҳисобланади.

Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт жамғармалари, Германия Адлия вазирилик қошидаги халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти кўп йиллардан буён Ўзбекистондаги ташкилотлар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб, турли ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалға ошириб келмоқда. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ҳуқуқшунослик, суд-ҳуқуқ масалалари, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги алоқалар жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон билан Германия ҳамкорлигининг муҳим йўналиши савдо ва сармоиялар соҳасидир. Икки мамлакат ўртасидаги савдо алоқаларида энг кўп қулайлик режими ўрнатилган бўлиб, 2020 йил якуниға қўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 828,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Савдо ва инвестициялар бўйича ҳукуматлараро иштироқи, шунингдек, Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгаши икки мамлакат ишбилармон доиралари манфаатларини илгари суриш бўйича самарали фаолият олиб бормоқда. Шубҳасиз, бу қутилган натижаларни бермоқда ва немис бизнес жамғамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда немис сармоядорлари иштирокида тузилган 100 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Самарали сармоявий ҳамкорлигининг ёрқин намунаси ўларок, республикада жаҳонға машхур немис концернлари билан кенг қўламли лойиҳалар амалға оширилаётганини қайд этиш мумкин. Улар орасида — “MAN” компанияси билан биргаликда замонавий юк машиналари ва автобуслар, “CLAA” ва “Lemken” компаниялари билан қишлоқ хўжалиги машиналари, “Клапф” компанияси билан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Маданий-гуманитар алоқалар Ўзбекистон — Германия мулоқотининг ривожланишида алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистонда немис маданиятини ўрганишға қизиқиш катта бўлиб, немис тили кенг оммалашган. Бугунги кунда республикада таълим муассасаларида 300 миңдан ортиқ ёшлар немис тилини ўрганмоқда.

Гёте институти, Германия Халқ университетлари ассоциациясининг Халқаро ҳамкорлик институти ва Хориздаги мактаблар марказий бюроси ваколатхонаси муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Гуманитар соҳадаги Ўзбекистон — Германия ҳамкорлиги натижалари ҳақида сўз юритганда, немис хайрия ташкилотлари томонидан Ўзбекистонға Германия клиникаларида бемор болаларни бепул даволашни ташкил этиш йўлга қўйилганини, шунингдек, республикамиз клиникаларини зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлашда қўмақлашаётганини қайд этиш лозим. “Friedensdorf International” халқаро хайрия ташкилоти ва “Соғлом авлод учун” жамғармаси томонидан мунтазам риважида гуманитар акция ўтказиб келинмоқда. Ушбу хайрия акцияси доирасида ўзбекистонлик бемор болалар даволаниш учун Германияға юборилмоқда.

Дунёда мамлакатлар ҳамкорлигининг бугунги босқичида халқ дипломатияси механизмиридан кенг фойдаланилади. Бу самарали ёндашув Ўзбекистон — Германия алоқаларида ҳам устунлик касб этади. Хусусан, Тошкент ва Берлин, Бухоро ва Бонн биродарлашган шаҳарлар мақомиға эға. Ушбу ҳамкорлик доирасида маданият ва таълим соҳаларидаги алмашинувлар ҳамда барқарор ривожланишға доир лойиҳалар самарали амалға оширилмоқда.

Ўзбекистонда ашовчи этник немислар ўз маданияти ва миллий аъналарини кўз қорачиғидек асраб-авайлаган ҳолда, Германия билан яқин алоқаларни сақлаб келмоқда. Республикаимизда немис миллатиға мансуб фуқаролар нафақат кўп миллатли жамияти-мизнинг ажралмас қисми, балки икки давлатнинг бөлговчи кўприк сифатида ҳам қаралади.

Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш керакики, 12 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Канцлери Ангела Меркелнинг онлайн-саммити ишға солинган имконият ва ресурслардан самарали фойдаланиш, шунингдек, кўп қиррали муносабатлари янада кенгайтириш учун умумий ёндашувларни ишлаб чиқишға янги туртки бўлиб хизмат қилади.

“Дунё” АА

Ўзбекистон раҳбари минтақавий алоқаларни янада мустаҳкамлашға чақирмоқда

Хорижий давлатлар экспертлар ҳамжамияти Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларини, қўшни давлатлар билан муносабатлари ривожини мунтазам кузатиб бормоқда. Жумладан, Қирғизистон Президенти Садир Жапаровнинг шу кунларда Ўзбекистонға амалға ошираётган давлат ташрифи уларда катта қизиқиш уйғотди.

**Қуршад ЗОРЛУ,
Йозгат университети бошқарув ва иқтисодий билимлар факультети декани,
Марказий Осиё мамлакатлари ҳақида қатор мақола ва китоблар муаллифи,
сиёсатшунос:**

— Ушбу ташриф нафақат Ўзбекистон ва Қирғизистон, балки Марказий Осиё минтақаси, янада кенгроқ назар соладиган бўлсақ, бутун туркий халқлар учун катта воқеа бўлди, деб айтиш мумкин.

Биринчидан, икки қўшни давлат ўртасида яқин ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш доимо фойдали ва ўзаро манфаатлидир. Иккинчидан, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ҳамкорлик туркий дунёнинг муҳим қисми бўлган Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва тараққийни янги босқичға олиб чиқишда алоҳида аҳамиятға эға.

Қирғизистон Президентининг Ўзбекистонға давлат ташрифи юксак аҳамияти, сермизмун ва самарали музокаралар билан ажралиб турибди.

**Сравут АРИ,
Чулангкорн университети Ислон тадқиқотлар маркази директори
(Таиланд):**

— Тарихдан маълумки, ҳеч қайси давлат ўз қўшниси билан яхши муносабатларсиз барқарор ривожлана олмайди.

Бизнинг Ислон тадқиқотлар маркази, асосан, Осиё давлатлари билан ҳамкорлик қилгани учун Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ва Қирғизистон билан ҳам жууда яхши танишимиз.

Бугунги синовли иқтисодий вазиятда мамлакатларнинг ривожланиш даражасини қайта тиклаш ва индикативи натижаларға эришишда давлат раҳбарларининг ўзаро муносабатлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг минтақа давлатлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган серқирра фаолияти, айниқса, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашув мулоқоти бўйича ташаббуси таҳсинға сазовор.

“Дунё” АА



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турини оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Бошланиш 1-бетда

Қашқадарё вилоятини республикада от спортини ривожлантириш бўйича етакчи ҳудуд сифатида белгилаш;

соф зотдор отларни урчишти ва кўпайтириш, ёш отлар ривожланиши ва ўсишини, яйлов ва ем-озука базасини мустаҳкамлаш, йилқичилик фермаларида қимиз ишлаб чиқаришини, интенсив от бўрдоқчилигини ташкил этиш ва отлардан олинган маҳсулотлар турларини кенгайтириш учун етарлича ер майдонлари ажратиш;

от спортига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар ҳамда республика олий спорт маҳорати мактабларида ноёб зотдор спорт отларини кўпайтириш учун Давлат бюджетидан уч йил давомида 5 миллиард сўмгача маблағ ажратиш ва устувор равишда республика от заводларида кўпайтирилган ноёб зотдор спорт отлари ҳисобидан таъминлашни йўлга қўйиш;

ҳар бир олимпия захиралари қоллежидида 2021-2025 йиллар давомида от спорт бўлиmlарини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин.

4. Куйидагиларни назарда тутуви от спортини бўйича спорт мусобақаларини ўтказишнинг уч босқичли тизими жорий этилсин:

биринчи босқичда — от спорт клублари, от спорт мактаблари, секциялар жамоалари ўртасидаги мусобақалар (туман/шаҳар босқичи);

иккинчи босқичда — туман (шаҳар) спорт мусобақаларида ғолиб чиққанлар, жамоалар ўртасидаги мусобақалар (вилоят босқичи);

учинчи босқичда — ҳудудларда ташкил этилган спорт мусобақаларида ғолиб чиққанлар, жамоалар ўртасидаги мусобақалар (республика чемпионати, биринчилиги, кубоги) (республика босқичи).

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2021-2025 йилларда от спортига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини қуриш ва реконструкция қилиш режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки: от спортига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида методик кўмаклашиш Ўзбекистон йилқичилик ва от спорт федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерацияси томонидан амалга оширилади;

от спортига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимига қиради ҳамда ўз фаолиятини Вазирлар Мақамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган спорт мактаблари тўғрисидаги низомага мувофиқ амалга оширадиган мактабдан ташқари спорт-таълим муассасаси ҳисобланади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига куйидаги вазифаларни ҳал этиш юклансин:

ҳудудий йилқичилик ва от спорт федерацияларининг молиявий ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

тегишли ҳудудларнинг раҳбар кадрлари орасидан номзодларни ҳудудий от спорт ва йилқичилик федерациялари раиси лавозимига тавсия этиш;

тегишли ҳудудда от спортининг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини

таъминлаш, давлат-хусусий шериклик асосида камида битта от спорт клубини ташкил этиш, от спорт машғулотларини ўтказиш учун от спортга ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби базасида ипподром, шунингдек, тегишли ҳудудий от спорт ва йилқичилик федерацияларини жойлаштириш учун бинолар ажратиш;

мазкур қарорнинг 5-бандига мувофиқ, от спортга ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ташкил этиш ишларига яқиндан кўмаклашиш;

2022-2025 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида от спортга ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш ишларини Инвестиция дастури доирасида амалга ошириш юзасидан тақлифлар киритиш.

7. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон йилқичилик ва от спорт федерациясининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 18 февралдаги ПҚ — 4194-сон қарорига мувофиқ ташкил этилиши белгиланган Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича инновацион селекция-генетика маркази негизда Ўзбекистон йилқичилик ва от спорт федерацияси ҳузурда “O’zbekim Otleri” МЧЖ билан ҳамкорликда давлат-хусусий шериклик асосида, юридик шахс мақомига эга бўлган, Насли, спорт ва тозақонли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича инновацион селекция-генетика марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

8. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорт федерацияси ҳамда “O’zbekim Otleri” МЧЖ билан биргаликда:

икки ой мuddатда Марказ фаолиятини ташкил этиш ва унинг устави белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш;

олти ой мuddатда Марказнинг бино ва иншоотларини қуриб битказиш ҳамда 2022 йил 1 январдан тўлақонли фаолиятини бошлаш чораларини кўрсин.

Молия вазирлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой мuddатда Марказ фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш юзасидан Вазирлар Мақамасига асосланган тақлиф киритсин.

9. Белгилансинки, 2021 йил 1 апрелдан бошлаб от спортини ривожлантиришда катта аҳамият касб этадиган “зоотехник”, “ветеринар-шифокор”, “фельдшер-ветеринар”, “уста-чавандоз”, “от парваришловчи”, “тақачи” мутахассисликлари учун шифокор, ҳамшира, тренер ва спортчиларга тенглаштирилган даражада ойлик маошлар тўланади.

10. Инновацион ривожланиш вазирлиги 2021 йилдан бошлаб илмий-тадқиқот ишларида давлат буюртмаси талабларига мувофиқ, мамлакатимизда зотдор отларни кўпайтириш ва наслчилик технологияларини яратиш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимига қаратилган лойиҳалар танловлар асосида молиялаштирилишини таъминласин.

11. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорт федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерациясининг “Universal Jumping Agro” МЧЖ (кейинги ўринларда — Инвестор) томонидан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Мевазор” МФЙ ҳудудидида замонавий кўп тармоқли спорт комплекси ҳамда маҳаллий ва хорижий туристларнинг дам олишини ташкил қилиш учун ёпиқ сузиш ҳавзаси, меҳмонхона, даволаш-соғломлаштириш муассасалари, савдо-қўнғилочар ва дам олиш инфратузилмалари, автотранспорт воситалари турар жойлари, ипподром, стадион, енгил атлетика билан шуғулланиш учун майдон ва бошқа объектларни (кейинги ўринларда — инвестиция лойиҳаси) 2021-2022 йилларда барпо этиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

12. Тошкент вилояти ҳокимлиги Давлат солиқ қўмитаси ҳузурдаги Кадастр агентлиги билан биргаликда ўн кун мuddатда Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Мевазор” МФЙ ҳудудидида жойлашган ва Инвесторга бириктириб берилган қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлардан инвестиция лойиҳасини тўлиқ амалга ошириш учун Инвесторга доимий фойдаланиш ҳўқуқи асосида зарур ер майдонлари ажратилишини таъминласин.

13. Куйидагилар инвестиция лойиҳасини амалга ошириш натижасида барпо этиладиган замонавий кўп тармоқли спорт мажмуасининг асосий фаолият йўналишлари эканлиги инобатга олинсин:

йилқичиликда наслчилик ишларини такомиллаштириш йўли билан ноёб зотли спорт отларини кўпайтириш;

ёш авлод чавандозларини тарбиялашга йўналтирилган от спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда миллий от спортининг халқаро довуғини ошириш;

ёш спортчиларни жалб қилган ҳолда, миллий ва халқаро от спорт турларини ривожлантириш, спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, миллий ва халқаро даражада йилқилар кўргазмаларини ташкил этиш;

йилқичилик соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиш;

замонавий бешкураш спортчиларининг маҳорат даражасини ошириш орқали уларнинг халқаро даражаларга кўтарилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

ўсмир болалар ва ёшларни замонавий бешкураш ва поло спорт тури билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, уларнинг ҳар томонлама жисмоний камол топишига ва соғлом турмуш тарзига йўналтиришга қаратилган жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишларини амалга ошириш;

замонавий бешкураш бўйича ҳакамларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш.

14. Белгилансинки: а) инвестиция лойиҳасини амалга оширишда Инвестор куйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

Инвестор фаолият турини ўн йил давомида сақлаб туриш шартли билан ажратилган ер майдонига камида 10 миллион АҚШ доллари, шундан 7 миллион АҚШ доллари миқдоридида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни

жалб қилиш ҳисобидан камида 150 ўринли 3 юлдузли меҳмонхона, даволаш-соғломлаштириш муассасалари, спорт ва зотли отлар учун мўлжалланган ветеринария клиникаси, майиш хизмат кўрсатиш, автотранспорт воситалари турар жойлари, савдо-қўнғилочар ва бошқа дам олиш инфратузилма боъектларини барпо этиш;

ишлаб чиқиладиган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида 2021-2022 йилларда белгиланган инвестиция маблағларини тўлиқ ўзлаштириш ва объектларни фойдаланишга топшириш;

камида 150 та янги иш ўринларини яратиш;

б) Инвестор 2022-2025 йиллар мобайнида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси томонидан тақдим этиладиган рўйхатларга мувофиқ:

терма жамоалар спортчиларини от спорт ва бешкураш спорт турлари билан бепул шуғулланиш учун етарлича шарт-шароит яратади;

Вазирлар Мақамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар асосида республика ва халқаро даражадаги спорт тадбирларини ижара тўловларисиз ўтказди;

ҳар йили 25 нафар ёш спортчи (чавандоз) ларни бепул малакасини ошириши учун шарт-шароит яратади;

республикадаги кўп тармоқли от спорт мажмуаларида хорижий малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда, бепул маслаҳатлар, укув-семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиб борилишини таъминлайди;

в) “Universal Jumping Agro”, “O’zbekim Otleri” ва “O’lin Taqa Qo’shuu” МЧЖларининг йилқичилик ва от спорт мажмуалари кейинги уч йил давомида республикада насли отларни кўпайтириш ва от спортини ривожлантириш бўйича укув-машғулот базалари функциясини бажаради;

г) Ўзбекистон йилқичилик ва от спорт федерацияси аъзоси ҳисобланган нодавлат от заводлари (мажмуалари), клублари, мактаблар (муассасалар) ҳар йили хориждан куйидаги тақсимотга асосан насли, спорт ва тозақонли отлар олиб келиш орқали доимий равишда зотдор отлар сонини кўпайтириш чораларини кўради. Бунда мавжуд от боши 50 тагача бўлса — 2 та от, 50 дан 100 тагача бўлса — 3 та от, 100 дан 400 тагача бўлса — 4 та от ва 400 дан кўп бўлса — 5 тага от кўпайтиса;

д) истисно тариқасида, Инвестор томонидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаси ҳамда Марказни ташкил этиш билан боғлиқ қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари учун тўловлар ундирилмайди;

е) 2025 йилнинг 1 январига қадар: Ўзбекистон йилқичилик ва от спорт федерацияси ҳамда унинг аъзолари мол-мулк, ер солиғи ва қишлоқ ҳўжалиги ерлари учун ер солиғидан;

ипподромлар, от спорт клублари ва спорт мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун олиб келинадиган, республикаимизда ишлаб чиқарилмай-

диган инвентарлар, спорт отлари, насли маҳсулотлар (материаллар), озуқалар, ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчалар, витаминлар, ускуналар ва материаллар белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатга мувофиқ, божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимидан ташқари) озод этилади.

15. Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон йилқичилик ва от спорт федерацияси билан ҳамкорликда бир ой мuddатда 2021-2023 йилларда от спорт мактаблари ҳамда клубларини ташкил этиш ва ўзига тегишли бўлганларини такомиллаштириш чораларини қуриш, шунингдек, идоравий мансуб йилқичилик ва спорт базаларини уларда ёшларни от спорт билан шуғулланишга жалб этиш мақсатида барча учун очик бўлган секциялар ҳамда тўғрақларни ташкил этган ҳолда модернизация қилиш ишларини бошласин.

16. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Ўзбекистон йилқичилик ва от спорт федерацияси билан биргаликда бир ой мuddатда “Марказий ипподром” АЖДА реконструкция ва таъмирлаш ишларини давом эттириш юзасидан аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ва молиявий манбаси аниқланган тақлифларни Вазирлар Мақамасига киритсин.

17. Тошкент вилояти ҳокимлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ҳузурдаги Кадастр агентлиги билан биргаликда:

Белгиланган инвестиция ва иқтисодий мажбуриятлар ўз мuddатида бажарилиши юзасидан мониторинг юритилишини ҳамда ҳар чорак якуни билан Вазирлар Мақамасига ахборот киритиб борилишини;

зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер майдон ажратилиши билан боғлиқ қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрни Инвестор ҳисобидан тўлиқ қопланишини таъминласин.

18. Тошкент вилояти ҳокимлиги қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер майдонлари қисқариб кетишининг олдини олиш мақсатида инвестиция лойиҳаси учун ажратиладиган қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер майдонига тенг миқдорда янги ерлар ўзлаштирилишини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрсин.

19. Қурилиш вазирлиги мазкур қарор доирасида объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича бажарилган ишларнинг сифати, шаҳарсозлик нормалари ва қондаларига риоя этилиши юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга оширсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2021 йил 11 март

ЯГОНА ОИЛАДА



Бошланиш 1-бетда

Ундан кейин маҳалладаги ноқонуний ва режасиз қурилмалар бузиб ташланди. Уларнинг ўрнида янги, замонавий ёрдамчи бинолар қад ростлади. Хиёбон ва кўчалар, аҳоли ҳовлилари га минглаб тул мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Ичимлик сув қувурлари, электр тармоқлари янгиланди. Маданият саройи, мактаб ва боғчалар қўркам тус олди.

— Ҳамқишлоқларимиз ўзларини бир ухлаб, янги оламда уйғонгандек ҳис қилди, гўё, — дейди маҳалла раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Жалил ака Кенжаев. — Улар “Дўст бошга иш тушганда билинади”, “Кўндан қуён қочиб қутулмас” деган нақлларнинг ҳақиқига яна бир қарра ишонч ҳосил қилди.

Манасликларнинг ҳаётига катта таъсир кўрсатган, уларнинг қалбида бугунги ва эртанги кунга қомил ишонч чўғини алангалатган мазкур эғу ишларга давлат ва жамоат ташкилотлари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари, тижорат банклари, маҳаллий ҳокимликлар, қалб амри билан бу ишларга бош қўшган минглаб оддий ҳамюртла-

МАНАС: ЯНГИЛАНИШ ВА ОБОДЛИК ГЎШАСИ

минглаб юрдошларимиз, хорижий сайёҳ ва меҳмонлар айнан бизнинг маҳалламиз, далаларимизга қараб, турмушимизга баҳо беради. Бизнинг эса мактабимизга, кўз-кўз қилишга арзийдиган ишларимиз кўп. Фермерларимиз барча соҳаларда ўз зиммасидаги топшириқларни ортиги билан уддалаб келмоқда. Меннинг ўзим утган йили пахта ва галла сотиш борасидаги шартномаларни ортиги билан бажардим. Жорий йилда эса кам таъминланган оилаларнинг 15 нафар аъзосига 1 гектардан ер ажратиб бердим. Улар бу майдонларда деҳқончилик қилиб, экин етиштириб, ота-онаси, оиласи даромадига-даромад қўшади.

Урни келганда, бугун Манас қишлоғида “маҳаллабай” тизимда амалга оширилаётган ишларни ҳам эса олиб ўтиш жоиз. Худуднинг “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар

дафтари”га киритилган 130 нафар фуқаросини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда. Бу борада қишлоқ, унда яшаётган инсонлар тақдирига бепарво бўлмаганлар яна беминнат ёрдам қўларини чўзаётир. Уларнинг кўмаги билан қисқа мuddат ичида 40 га яқин иссиқхона ташкил қилинди. Асаларчилик, парандачиликни йўлга қўйиш учун имтиёзли кредитлар ажратилди. 40 дан ортиқ ёш 50 сотихдан ерли бўлди. Куни кеча эса туман ҳокимлиги ташаббуси билан “Темир дафтар”га киритилган 37 та оиланинг ҳар бир аъзосига ҳомийлар томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

— Манас қишлоғига, унинг меҳнаткаш аҳлига кўрсатилётган бундай гамхўрлик ва эътибор ўз самарасини бермоқда, — дейди “Маржон” қирғиз халқ ансамбли раҳбари Мухаммад Тожибоев. — Бу борада ҳамқишлоқлари-



Суратда: Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги Манас қишлоғига Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси делегацияси ташриф буюрди.



миз, биринчи галда, ёшлар ўртасида ташкил қилинаётган турли тадбирлар, танлов ва беллашувлар муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, катта меҳнат завожга янгиланган кўча ва хиёбонлар, уларнинг кўз қорачиғидек сақлашга ундовчи “Менинг маҳаллам”, “Обод хонадон” танловлари, “Энг зиёли оила”, “Ибратли келин”, “Ёш китобхон” беллашувларини мунтазам ўтказиш одат тусига кирди. Уларнинг қолиблари муносиб тақдирланмоқда.

Манас аҳлини қишлоқнинг иқтидорли ёшлари эришаётган ютуқлар қувонтирмоқда. Булмасам-чи, бугун ҳудуднинг 50 нафардан ортиқ йилгитқизи турли университет ва институтларда таълим олаётир. Уларнинг 20 нафардан ортиги эса таҳсилни Қирғиз Республикаси олийғоҳларида давом

Худойберди КАРИМОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ ОЧАДИ

Наргиза УМАРОВА, журналист

Глобал дунёда рақобатлашиш уммонда сузишдек гап. Чўкиб кетмаслик учун куч, шиддат ва маҳорат талаб қилинади. Худди шу каби бугунги кунда ҳар қайси мамлакат, аввало, инсон капиталини юксалтиришга, яъни миллиятнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга ҳаракат қилмоқда.



Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизи ёшлардан иборат, тенг ярмини эса аёллар аҳолининг асосий таркиби — ёшлар ва аёлларни қўллаб-қувватлаш аниқ муқаддас. Бошқача айтганда, ҳукумат инсон капиталига катта ҳажмда инвестиция қилишни зарур. Бу келажакда нафақат иқтисодий-ни юксалтириш, балки ижтимоий вазият-ни барқарорлаштириш — камбағаллик ва салоҳиятли кадрлар миграциясини қисқартириш, ишсизликни бартараф этиш, халқнинг турмуш даражасини ошириш имконини беради.

Инсон капиталини ривожлантириш — бир кунлик иш эмас. Мазкур миссия комплекс ёндашув ҳамда узоқ муддатли, муҳими, аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни талаб қилади. Бу борада тайёр ечимлар йўқ. Ҳар қайси мамлакат ўз йўли ва йўналишини мустақил тарзда белгилаб олмоғи даркор. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда Ўзбекистонда ёшлар ва аёллар билан манзилли ишлаш механизми жорий қилинмоқда.

Янги тизимни яратиш ташаббусини Президентимиз 2020 йил 8 октябрь кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида илгари сурганди. Унга кўра, хотин-қизлар ва ёшларнинг муаммолари маҳаллалар кесимида ўрганилиб, тизимли ҳал қилиниши керак. Барча маълумотлар “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари” деб номланувчи махсус идоралараро электрон базаларда жамланиб, таҳлил қилинади ва назоратга олинади.

“Аёллар дафтари” моҳиятан, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини камбағалликдан чиқаришга қаратилган чора-тадбирлар комплексини ифода этади. Бошқача айтганда, давлат камбағал қатламини ўз қарамоғига олмоқчи. Бу эса ёшлар ва аёллар тақдирини учун масъулият ҳамда жавобгарлик тўлиқ давлатнинг гарданида эканидан далолат беради. Тан олиб айтиш керак, бундай улкан вазифани дунёнинг ҳали ҳеч бир мамлакатини бунга олмаган эмас. Демак, Ўзбекистон таърихисини том маънода ноёб дейишга ҳақимиз.

Утган йил октябрь ойидан бошлаб, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, Маҳалла ва оилани қўллаб-

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан тўрт баравари (446 минг сўмдан 892 минг сўм)гача миқдорда бир марталик моддий ёрдам берилди.

када тадбиркор аёллар улушини янада ошириш, улар учун қўлай бизнес муҳитини яратиш жойлардаги раҳбарларнинг бирламчи вазифасига айланмоғи даркор. Зеро, бу йўлдаги ишончли қадамлар пировардида халқ фаровонлигини таъминлашга ҳизмат қилади.

“Аччиқ бўлса ҳам тўғриси тани олиб айтишимиз керак: бу ўрганишларимиз натижасида биринчи марта жойлардаги ҳақиқий ахвол юзага чиқди. Шулар асосида “Аёллар дафтари” шакллантирилмоқда, хотин-қизларни қийнаётган кўпга ижтимоий-иқтисодий муаммоларга амалий ечим топилаётганда”, деди давлатимиз раҳбари парламентга Мурожаатномасида.



“Аёллар дафтари” шунчаки расмийлик эмас, аҳолининг ижтимоий ҳимояси ҳамда уларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган “йўл харитаси” лойиҳаси узоғи билан етти кун ичида халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тақдим этилиши керак.

Хўш, “Аёллар дафтари” қай тартибда юритилади? Вазирлар Маҳкамасининг

2021 йил 8 январда қабул қилинган “Хотин-қизларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан белгиланганидек, хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари ҳар ярим йилда анкета-сўровнома шаклида уйма-уй юриб ўрганилади. Олинган маълумотлар уч кун мобайнида респондентларнинг шахсий индивидуал анкеталарида акс эттирилиши шарт.

Индивидуал анкета бир кун муддатда қўриб чиқилади. Сўнгра ундаги маълумотлар идора ва ташкилотларнинг маълумотлари билан солиштирилиб, аёлларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (тоифаси) аниқланади.

“Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизларнинг рўйхатлари ҳамда уларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган “йўл харитаси” лойиҳаси узоғи билан етти кун ичида халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тақдим этилиши керак.

Маҳаллий депутатлар томонидан тасдиқланган рўйхатлар “Маҳалла” ягона ахборот тизими дастурига киритилиб, шу асосда аёлларга вақтинчалик тартибда муайян хизмат турлари кўрсатилади.

Жумладан, ҳукумат қароридан қайд этилганидек, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизлар Халқ банкидан базавий ҳисоблаш суммасининг 150 баравари (33 миллион 450 минг сўм)гача миқдорда кредит олиши мумкин. Кредит 6 ойгача имтиёзли давр билан уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тақдим этилади.

Бундан ташқари, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан тўрт баравари (446 минг сўмдан 892 минг сўм) гача миқдорда бир марталик моддий ёрдам берилди.

Яна бир енгиллик. Янги тизим асосида юртимизда илк бор эҳтиёжман аёлларга турар жой учун ижара пулини давлат томонидан компенсациялаш амалиёти жорий қилинмоқда. Ижара шартномаси 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган муддатга тузилиб, ижара ҳақи хонадон эгасига тўғридан-тўғри тўлаб берилди.

Хотин-қизларнинг барча масалалари тўлиқ ҳал этилгач, улар “Аёллар дафтари”дан чиқарилади. Бу ҳақда фуқаро туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимидаги раҳбарлар билан беш кун ичида ёзма равишда хабардор қилиниши керак.

Юртимизда ёшлар муаммоларини тизимли ҳал қилишга ҳам бўлачак эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг 27 январь кунини ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтинги мазмунли ташкил этиш юзасидан ўтказилган навбатдаги видеоселектор йиғилишини Президентимиз анча танқидий руҳда ўтказди. Чунки вазият хавотирли туш олган. Зеро, бугун ёшларни нафақат ўқитиш, тарбиялаш, ёт гоа ва мафқуралардан ҳимоя қилиш, балки бандлигини таъминлаш ҳам жуда муҳим. Акс ҳолда, ишсизлик юқи давлат ва жамият учун жиддий муаммоларни келтириб чиқа-

риши мумкин. Қолаверса, ишсизлар сонини қисқартирмасдан туриб, камбағалликка қарши курашиш бўлмайди.

Видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек, иқтисодий фаоллиги энг юқори бўлган Тошкент шаҳрининг ўзида 26 минг ёш ишсиз. Ваҳоланки, пойтахтда 77 мингта иш ўрни бўш, шундан ярмидан кўпига олий маълумот талаб қилинмайди. Ҳозирча миллий иқтисодий тизим иш ўринларига бўлган эҳтиёжни қисман қондира оляпти, холос. Барча ҳудудларда завод ва фабрикалар қўриб беришнинг илоҳи йўқ. Бунга катта сармоя керак. Иқтисодийнинг виртуал сектори, айтилаётган, инновацияларни ривожлантириш ҳам озмуна куч, вақт ва маблағни талаб қилмайди. Шу боис, давлат аҳолига тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятини яратиш бермоқда. Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида 2018 йилда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузурда “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси тузилди. Жамғарма маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратиш ва лизинг хизматларини кўрсатиш, шунингдек, тижорат банклари кредитлари бўйича кафилиликлар бериш амалиёти йўлга қўйилган.

27 январдаги видеоселектор йиғилишида Президентимиз бу оқилона сиёсатнинг мантӣқий давоми сифатида тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган ёшларнинг минтехнология ва ускуналар ҳарид қилиши учун субсидия ажратиш, кредит олишда суғурта тўлови бўйича қўмақлашиш юзасидан топшириқлар берди.

Юртимиз аҳолисининг ярми қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Қишлоқ аҳолиси эса ер боқади. Мана шундай мантӣқча асосланиб, бир неча йил аввал Ўзбекистонда “Ҳар бир ёшга 1 гектар” лойиҳасига старт берилган. Фоя яхши, аммо унинг амалдаги ижроси жуда суст. “Утган йили бу борада мурожаат қилган 14 минг нафар ёшдан атиги 3 мингига ер берилган, холос”, деди давлатимиз раҳбари. Шу сабабли Президентимиз ҳукумат олдида аниқ вазифа қўйди — эндиликда жойларда ҳар 10 гектар экин майдонидан 1 гектари ёшларга деҳқончилик учун ажратилиши шарт. Шунингдек, ўз томорқасида лисмончилик, паррандачилик, кўнчилик, асаларчилик қилиш истагини бандирган йигит-қизларга кредит ажратиш тартиби жорий қилинади.

Дарвоқе, юртимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ҳам маҳкам бел болганган. Президентимиз Мурожаатномасида қайд этилганидек, 2021 йилда аёлларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда аниқланган муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан қўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Ишонимизки, инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган бундай эзгу сайҳаракатлар, албатта, ўз самараларини беради.

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК — БУ АҚЛ-ЗАКОВАТ ВА ИЛМ

Ўзбекистонда сўнгги йилларда таълим-тарбия, илм-фанга эътибор мутлақо ўзгарди. Замон талабларига жавоб берадиган ҳамда миллий қадриятларни ўзида уйғунлаштирган интеллектуал платформа яратилаётгани ҳам шундан далолат беради.

ТАЪЛИМГА ЙўНАЛТИРИЛГАН САРМОЯ — ЮҚОРИ САМАРАЛИ ИНВЕСТИЦИЯ



Мансур ЭШОВ, Тошкент давлат иқтисодий университетини проректори, иқтисодий фанлари доктори

Аслида “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” тамойилини ҳаётга татбиқ этиш мазмун-моҳиятида ҳам ёшларни ҳар томонлама баркамол воғга етказиш, жамиятда инсон капитални салоҳиятини тубдан оширишдек эзгу мақсад мумкин.

Таълимнинг энг қуёи бугуниндан юқори погоналарига рўй бераётган бундай некин ўзгаришлар тўрт-беш йилга мулжалланган популястик лойиҳалар эмас, балки узоқ истиқболни ўз ичига олган, мамлакатдаги ҳар бир инсоннинг бугуни, эртасига хизмат қиладиган, тақдирига бевосита дахлдор ислоҳотлардир. Зеро, хитойлик машҳур файласуф Конфуций бундан бир неча аср бурун айтиб кетган қуйидаги ҳикмат ҳозир ҳам жуда дол-



“Олий таълим тизимида рўй бераётган сўнгги ўзгаришлар бу ташаббуслар шунчаки қоғозда қолиб кетмаётгани, одамлар, айниқса, ёшлар ҳаётида ижобий ифодасини топаётганини қўрсатиб турибди. Масалан, ўтган йили Ўзбекистонда олий таълим муассасалари сони 130 тага етказилди. Ўз навбатида, олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилдагига нисбатан 2,5 баробар ўсиб, ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга ошди.

зарб: “Агар сен халқингни бир йил боқмоқчи бўлсанг, бугундай эк. Ун йил боқмоқчи бўлсанг, даракат кўрқартир. Асрлар давомида боқмоқчи бўлсанг, илми қил”.

Демак, янги Ўзбекистонда ёшларни илми, билимли қилиш, уларни рақобатдош кадрлар этиб тайёрлаш, келажакка ишонч билан кириб бориши учун устувор аҳамият қаратаётгани бежиз эмас. Замонавий оқиллиқ сари қадамлар таълим дароҳлари остоналаридан бошланганлигининг боиси ҳам шунда.

Шунга яраша бугунги мураккаб ва синовли даврда интеллектуал энг катта хазина эканини англаб етаётган, фарзандларини ҳам шунга даъват этаётган ота-оналар кўпайпти. Буни прагматик жиҳатдан ҳам тўғри ёндашув деб айтиш мумкин. Мазкур ҳақиқат энг илгор давлатларда тан олингани, амалда ўз исботини топиб келаяётганига эса анча бўлди. Масалан, АҚШликларнинг айтишича, ҳеч бир инвестиция боланинг билимли бўлиши учун сарфланган сармоячалик фойда келтирмайди. “Агар нефть

ва олтин қазиш соҳасига бир доллар инвестиция киритсангиз, тўрт-беш баравар, бозордан нарсани олиб сотсангиз, йигирма-ўттиз фоиздан бир бараваргача фойда келтириши мумкин. Шу маблағни фарзандингизни ўқитиш учун йўналтирсангиз, минг доллар бўлиб қайтади”, дейди океан ортитадигар. Бугунги кунда Фарб давлатларида инновациялар, илм-фан, таълим тараққиёти ва имкониятлари қандай эканидан эса ўзингиз яхши хабардорсиз.

“Таълим — бирламчи” гоёсининг яна бир жуда муҳим жиҳати борки, у биз учун ҳам долзарб бўлиб, нафақат мамлакатимизни янгилаш, раванқ топтириш, балки ижтимоий адолат ва барқарорлиқни таъминлашда катта роль ўйнайди. Бу камбағалликка қарши курашиш билан боғлиқ. Зеро, АҚШлик иқтисодчи Жеффри Саксинг таъкидлашича, жамиятнинг камбағаллик чангалидан қутулишига имкон берадиган олтинга омил мавжуд. Улар инсон капитални, ишбилармонлик капитални, инфратузилма, табиий капитал, ижтимоий ўрнатилган капитал ва билимлар капиталидир. Ушбу мезонларга эришишда эса, биринчи навбатда, таълим савияси ва сифати, у билан аҳолини қамраб олиш даражаси ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бинобарин, давлатимиз раҳбари халқ билан ҳар бир мулоқотида, видеоселектор йиғилишларида, парламентга Мурожаатномаларида, халқро минбарлардаги нўқларидан айнан маърифат аҳоли турмушини фаровонлаштириш, одамларнинг орзу-мақсадларини рўёбга қиаришнинг асосий мезонини эканига урғу берапти. Мазкур

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофизатлаш йили”га амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам алоҳида белгилаб берилди. Унда ёшларга ғамхўрлик қилиш, ижтимоий муҳофизатга муҳтож талабаларни ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштириш, ижтимоий адолат тамойилини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилиб, уларнинг ижросига қилинди.

Масалан, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёш учун Ўзбекистон Республикасининг Президенти гранти жорий этилади. Ўз навбатида, олий таълим муассасасида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оилаларга таълим кредити берилди. Эътиборлиси, талаба томонидан ушбу кредитни ўқиш даври тугагандан сўнг қайтариш амалиёти йўлга қўйилди. Бундай механизм, биринчидан, халқнинг турмуши сифатини оширса, иккинчидан, Ўзбекистоннинг салоҳиятли кадрларга эҳтиёжини таъминлайди. Аҳолининг ҳар бир қатлами учун билим олиш имконияти яратилаётгани эса камбағалликка қарши асосида “Темир дафтар”га киритилган оилалар сонини камайтириш имконини беради. Олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони 25 фоиз ҳамда эҳтиёжман оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари икки баравар оширилиши, шунингдек, хусусий олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашга давлат гранти бериш тизими жорий этилиши ҳам айнан ушбу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш фақат шу билан чекланиб қолмайди. Давлат дастурида талабаларга академик таълим бериш бўйича қатор енгилликлар кўзда тутилган. Ёшлар учун узулқисм мустақил таълим олиш имконияти яратилиши, оиласининг бетоб аъзосини парвариш-лаши сабабли аънавий шаклда ўқишни давом эттириш имконияти бўлмаган талабаларга ҳам академик таълим олиш ҳуқуқи берилиши, талабаларга ўқиш давомида академик таълим берилиши бўйича миқдорий келювлар ҳамда илгари ўзлаштирилган фанлар бўйича қайтадан ўқиш амалиёти бекор қилиниши шунга жумласидан.

Бу йил апрелдан бошлаб “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали нуфузли хорижий олий таълим муассасаларининг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сони беш баробар оширилади. Илгари сурилаётган ушбу ташаббуслар, амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирларни бевосита кузатиб, айтиш мумкинки, одамлар кўнглида “баркамол авлод таълим-тарбияси йўналиши жаҳон стандартлари даражасига еришиши ва бугунги муваффақиятларимиз қўламини ортиб бораверди”, деган ишонч мустаҳкамланмоқда.

Олдинга қўйилган марралар, албатта, ўз-ўзидан забот этилмайди. Бунинг учун, аввало, барча бир ёқадан бош чиқариши, ислоҳотлар мазмун-моҳиятини чуқур англаши, улар ижросига камарбаста бўлиши керак. Бу, ўз навбатида, дунёқарашни ўзгартириш, эскича фикрлардан воз кечиш, уйғониш ва бошқа мудроқ қилғарлар ҳам туртки бериши талаб этади. Зотан, ёшлар тақдирини ҳақида қайғуриш нафақат давлат ёки ҳукуматнинг, балки ҳар биримизнинг асосий бурчимиздир.

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТ

аҳоли саломатлигини мустаҳкамлайди, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиради



Инсон саломатлиги кўп жиҳатдан биз тановул қилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари таркиби ва қувватига боғлиқ. Афсуски, биз истеъмол қиладиган сабзавот ва полиз маҳсулотлари таркибига кўп ҳам эътибор қаратмаймиз. Расталардан чиройли маҳсулот танлашга ҳаракат қиламизу сифати билан қизиқмаймиз. Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, соғлом овқатланиш, оммавий спортни кенг тарғиб қилиш каби мақсад-вазифалар белгиланган. Сув ҳўжалиги вазирлигининг Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти илгор илм-фан ва инновациялар технологияларни жорий қилиш бўлими раҳбари, қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори, профессор, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, “Меҳнат шўхрати” ордени соҳиби ГИЁСЖОН РАҲИМОВ билан суҳбатимиз шу мавзуда кечди.

— ГИЁСЖОН НИШОНОВИЧ, халқимизнинг соғлом турмуш тарзига интилишини қўллаб-қувватлаш, жисмоний фаоллигини ошириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Шу маънода, бугун саломатлигимизни таъминлашда озиқ-овқат маҳсулотларининг ўрни қай даражада?

— Президентимиз Мурожаатномасида юртимизда тинч-ооийишта ҳаётнинг янада барқарор бўлиши, шу асосда иқтисодий ривожланиши юксак даражада давом эттириш учун соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва жисмоний фаоллигини оширишга жуда катта эътибор берилган.

Таркибидан туз, қанд, ёғ миқдори кўп бўлган таом ва ширинликлар меъёридан ортиқ, шунингдек, витамин, минераллар етарли даражада истеъмол қилинмаслиги болаларда рационал ўсиш, ақлий ривожланишда ортада қолиш, катталарда эса қандли диабет, юрак-қон томир, эндокрин, хавфли ўсма каби эрта ўлимга олиб боруши касалликлари ривожланишига сабаб бўлиши аниқланган. Бу каби ҳолатлар коронавиралар пандемияси да-

вриши камайтиради ва даволайди, оқсил, углеводлар эса организмда энгил хазм бўлиши билан ажралиб туради. Айниқса, кўкатлар жуда фойдали, улар А, Е, К, С ва В витаминларга тўйинган, темир, калий, мағний, фосфор элементларига жуда бой ҳисобланади.

Ҳомилдор аёллар учун энг фойдали сабзавот экинлари кўкатлар, картошка, сабзи, бодринг, ош лавага, барча қарам турлари, ширин қалампир, нўхат, ловия, қоқоқ ва сабзавот қоқоқчалари кирди. Картошка калий, С витаминига, сабзи А витаминига бой бўлиб, ҳомилдор онанинг кўриш қобилиятини ва иммунитетини мустаҳкамлайди. Бодринг эса сийдик ҳайдаш хусусияти билан бирга таркибидан 5 фоиз калий, 50 фоиз натрий бўлиб, ушбу аралашма лимфатик тизимнинг фаол ишларини таъминлайди, қон томирларни тикчилардан тозалаш, буйрак ва жигар фаолиятини яхшилайдди.

Ош лавага эса йўғон ичак фаолиятини маромлаштириш билан бирга, қон таркибини яхшилайдди. Брокколи ва оқ бошли қарам С витамини, фолий кислота, мағний, калий, антиоксидантларга бой ҳисобланади. Ширин қалампир С витамини, рутин, каротин, кальций, фосфор ва темир билан тўйинганлиги боис, ҳомилдорликда депрессия, уйқусизликнинг олдини олади.

Очиқ далада етиштирилган сабзавот экинларидаги нитратларнинг рухсат этилган, мумкин бўлган максимал даражаси ўртача ҳисобда картошкада 250, эртаги қарамда 900, эртаги сабзида 400, помидорда 150, бодрингда 150, пиёзда 80, қоқунда 90, тарвузда 60, ширин қалампирда 200 мг/кг ҳисобда бўлиши тавсия қилинади.

— Очиқ даладаги деҳқончилик ишларини эслатдингиз. Суҳбатимизни дала шароитида экилган тоза, хавфсиз сабзавот маҳсулотларини етиштириш мавзусида давом эттирсак. Маҳсулотлар таркибидан зарарли нитратлар миқдорини камайитириш учун далада экилиб, ҳосил олинган экинларни парварилаш тартиби ҳақида гапириб берсангиз?

— Сабзавотларда бўладиган нитратлар миқдори 20 дан ортиқ факторларга боғлиқ, уларнинг 50 фоизини ҳосил етиштирилгунча қўлланиладиган агротехнологиялар орқали бошқариш мумкин.

Ҳар бир сабзавот экинни турли ҳажмда нитратларни тўплайди. Салап, шпинат, укроп, редиска, турп ва ош лавага каби маҳсулотлар ўзида нитратларни кўп йиғадиган экинлар турига кирди. Энг кўп нитратларни тўпловчи экин эса ошқоқ (1200-1500 мг/кг) ҳисобланади. Нитратларни ўртача миқдорда тўплайдиган сабзавотлар бақлажон, қоқун, қарам, сабзи, бодринг, петрушка, селдерей, саримсоқ-пиёз ва фасол ҳисобланади. Уларнинг таркибидан нитратлар миқдори 100-1000 мг/кг бўлади. Тарвуз, кўк нўхат, картошка, пиёз, қалампир ва помидор каби сабзавотлар энг кам нитратлар тўплайди. Ёпиқ грунтларда етиштирилган сабзавотларда очиқ далада етиштирилганга нисбатан 2 баробар кўп нитрат йиғилади.

— Ривожланган мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ҳам аҳолининг соғлом овқатланиши учун алоҳида мезонлар ишлаб чиқилган бўлиб, бунда аҳоли саломатлиги, энг аввало, овқатланиш тартиби ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари сифатига боғлиқлиги эътибор қаратилган. Бу борада бажарилётган ишлар самарадорлигини янада ошириш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмақда?

— Кундалик истеъмол қилинадиган сабзавот маҳсулотларидаги зарарли ва захарли моддалар миқдорини соғлиқни сақлаш органлари назорат қилади. Картошка, сабзи, пиёз, саримсоқ-пиёз, кўкатлар, нўхат, соя каби маҳсулотлардаги бундай моддаларнинг миқдори бўйича давлат стандартларига асосан, меъёрлар белгиланган. Агар маҳсулотларда нитрат ва нитритлар миқдори белгиланган меъёрдан кўп бўлса, уларнинг сотилишига рухсат берилмайди.

Сабзавот маҳсулотларидаги зарарли нитрат ва нитритлар энг биринчи навбатда, ҳомилдор аёлларга, ёш болалар, кексаларга тез таъсир қилади. Шу боис, кўп давлатларда ёш болалар, ҳомилдор аёллар кимёвий минерал ўғитлар бериб етиштирилган маҳсулотларни истеъмол қилишига рухсат йўқ.

Шу ўринда маълумот учун айтиш мумкинки, тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб экиш мумкин бўлган сабзавот экинлари навлари уруғлари сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти, унинг вилоятлардаги филиалларида яратилиб,



худудлаштирилган ҳолда илмий тавсиялар билан фермер, деҳқон, томорқа ер эгалари ҳўжалиқларига, агрофирмаларга тарқатилади ҳамда амалий ёрдам кўрсатилади.

— Деҳқончилик, сабзавотларни экиш ишлари бошланмоқда. Айни қизгин паллада аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида экологик тоза сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сўнг овқатланиш тармоқларига, таълим ва тиббиёт муассасаларига етказиш учун нималарга эътибор беришимиз керак?

— Экологик тоза сабзавот маҳсулотларига талаб долзарб масала бўлиб турибди. Ҳозирги вақтда ушбу маҳсулотларни етиштириб, йил давомида барча тармоқларни таъминлаш учун шартнома тузган ҳолда етказиб беришга ихтисослашган биронта ҳам ҳўжалик йўқ, бўлса ҳам, кўпчилик билмайди. Томорқада етиштирилган маҳсулотлар эса мавжуд талабларни қоплай олмайди.

Бундан 10 йил аввал Японияда бўлган Осие давлатларида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича халқаро конгрессга бордингизимизда озиқ-овқат дўконлари сотувчиларининг харидордан қандай касалингиз бор, парҳездамасмисиз, қанақа парҳез, деб сўрашига ғувоҳ бўлдик.

Биринга ноннинг парҳез турида истеъмол қилиш мумкин бўлган 40 дан ортиқ хили сотилмоқда. Картошка, сабзи, пиёз, помидор, бодринг каби кундалик фойдаланиладиган маҳсулотларга ҳомилдор аёллар, ёш болалар ва кексалар учун қувват бўладиган табиий витаминлар қўшиб берилар экан. Дунё бўйича японларнинг узоқ умр кўриши сабаби ҳам шундан бўлса керак.

Японларда деҳқончилик қиладиган ерлар аҳоли сонига нисбатан камроқ. Шунингдек, тупроғи табиий унумдорлиги бизнинг тупроққа нисбатан паст. Мева, сабзавотлари таъми шўрроқ ҳатто, баъзиларига шакер қўшиб ейилади.

Аҳолини экологик тоза сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни йўлга қўйиш мақсадида сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти мутахассислари томонидан худудлар тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, табиий маҳсулот етиштириш технологиялари ишлаб чиқилган. Улар асосида жойлардаги мутахассислар, раҳбарлар экологик тоза, хавфсиз маҳсулотларни етиштириб, таълим ва тиббиёт муассасалари, овқатланиш шохобчаларини таъминлаш ишларини йўлга қўйиши мумкин.

Бу ишларни бажаришга қўшимча ер, иш ўринлари, ортиқча маблағ ва техника керак эмас. Чунки ҳар бир туманда сабзавот маҳсулотлари етиштириш режаси бўйича сўғориладиган ер майдонлари бор. Яна экологик тоза маҳсулотлар етиштириш учун 2-3 йил тажриба ҳам шарт бўлмайди. Чунки ушбу ишлар бўйича илгор технологиялар ишлаб чиқилиб, жорий қилишга тавсия қилинган. Шароит қараб, экологик тоза сабзавот маҳсулотларини етиштириш учун маҳаллий банклардан кредит ҳам олиш мумкин.

Табиийки, экологик тоза маҳсулотлар кимёвий моддалар таъсирида

етилган маҳсулотларга нисбатан 30-40 фоиз қиммат нархланади. Албатта, бундай маҳсулотлар сифати буюртмачилар томонидан жиддий назорат қилинади.

— Экологик тоза, хавфсиз сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳам мумкин. Бундан яхшигина даромад топса бўлади, назаримизда. Бу борада қандай таклифларингиз бор?

— Қорақалпоғистон Республикасидаги “Биогурус фарм” фермер ҳўжалигида 72 тонна (кимёвий минерал ўғитлар бермай) органик биогурус билан етиштирилган помидорнинг қуритилгани 2019 йил кузида Францияга сотилган. Қорақалпоғистонда шароит оғир, маҳсулотни қайта ишлаб, чет эл валютасига сотиш учун зарур техникалар кам бўлса-да, бу ишнинг уддасидан чиқибди. Тадбиркорларнинг отасига раҳмат дейиш керак. Биз бу тажрибани ўрганиб, мамлакатимиздаги сабзавот етиштирадиган фермер, деҳқон ва томорқа ҳўжалиқлари ер эгаларига ўргатмоқчимиз.

Жорий йилдан бошлаб, Тошкент давлат аграр университети, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти ва ЎзФАнинг микробиология институти олим ва мутахассислари томонидан экологик тоза қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш тизимини яратиш, технологияларини такомиллаштириб, амалиётга тезкор жорий қилиш бўйича инновацион илмий лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Улар асосида жорий қилинган технологияларни тижоратлаштириш салоҳияти юқори. Чунки фермер, деҳқон ва томорқа ер ҳўжалиқлари етиштирилган экологик тоза маҳсулотларни тиббиёт муассасалари, олдидан қисман пул тўлаб беришни кафолатлаган ҳолда, шартнома тузиш ишларини бошлаган. Айни пайтда Тошкент шаҳридаги 8-туғруқ ва бошқа туғруқ комплекслари, шунингдек, сийхатҳоқлар буюртма асосида шартнома тузиб, амалий ишларга киришган.

Қувонарсиз, бу борада яхши тажрибалар шаклланиб, самарали натижаларга эришилмоқда. Масалан, Тошкент вилояти Янгийул туманидаги “Юлдуз Ситорахон Агро” агрофирмаси олим ва мутахассисларини бошқоқ дон, сабзавот, полиз экинларини етиштиришнинг илмий асосланган сув ҳамда бошқа комплекс ресурслари тежамкор технологияларини ишлаб чиқиб, амалиётда қўллаш ишларини амалга оширмоқда. Шу асосда экологик тоза, хавфсиз галла, сабзавот ва полиз экинлари етиштирилмоқда.

Агрофирма кимёвий минерал ўғитларни қўллашни сезиларли камайитириб, асосан, Биоклад биоўғитини қўллаб, Тошкент, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида ҳар гектардан 50 центнердан ортиқ галла йиғиб оляпти. Шунингдек, биоўғитлар билан етиштирилган кўкатларни Францияга экспорт қилиш ишларини йўлга қўйган.

Агрофирма раҳбари Анваржон Рашидовнинг айтишича, 2019 йилдан бошлаб, Қашқадарё вилоятида 100 гектар ерга сабзавот ва кўкатлар экиб, экспортга тайёрланмоқда. Сирдарё, Андижон, Қашқа-

дарё, Сурхондарё вилоятларида пахта, бугдой ва сабзавот экинларига биоклад биоўғитидан фойдаланган ҳолда экологик тоза, хавфсиз экинларни етиштириш ишларини бошлаган. 2021 йилнинг январь ойидан Сурхондарё вилояти Узун туманида фермер, деҳқон ва томорқа ҳўжалиқларини экологик тоза сабзавот маҳсулот-



ларини етиштириш бўйича семинарлар ўтказиб, туманда экилган бугдой экинларига органик биоўғитларни сувоқлик ҳолида биринчи ишлов бериш ишлари амалга оширилди.

Экологик тоза маҳсулотлар етиштиришда органик биоўғитлардан биоклад, биогурус, вермиком, вермикопост, хлорелла, лифогум ва оралик (сидерат) экинлардан фойдаланиш натижасида, биринчи навбатда, тупроқ унумдорлиги ортади, шўрланган ерларни яна фойдаланишга топшириш ҳажми кўпайиб, тупроқда фойдали, жонли микроорганизмлар пайдо бўлишига катта имконият яратилади. Халқимиз, жумладан, оналар ва болалар, катта ёшдаги кишилар саломатлиги яхшиланиб, жисмоний фаоллиги ортади. Шу асосда, келажак авлод баркамол бўлиши ва улардан яна Навоийлар, Ибн Синолар, Хоразмийлар, Берунийлар каби дунёга машҳур уламолар чиқиши шўбасиз.

Баҳор остонасидамиз. Халқимиз ризку насибаси — деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш, ерга уруғ қадар арафасидамиз. “Янги Ўзбекистон” газетаси жамоасига алоҳида миннатдорлик билдириш билан, чунки бу йилги деҳқончиликни бошлашдан олдин, Президентимизнинг аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича қарорларини бажаришда экологик тоза, хавфсиз маҳсулотларни етиштириш ишларини амалга ошириш учун айни вақтда ушбу суҳбатни уюштирдигиз. Биз ҳозирданок барча худудларга, албатта, улгурганимизча, олимлар, мутахассислар билан бориб, фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари ҳўжалиқларида илмий асосланган тоза, хавфсиз сабзавотларни етиштириш технологияларини жорий қилиш бўйича тарғибот ишларини бошлаймиз. Шунингдек, етиштирилган маҳсулотлар билан барча тармоқларни таъминлаб, экспорт қилишга ҳам илмий-амалий ёрдам бериши мақсад қилганмиз.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Башорат ЮНУСОВА
суҳбатлашди.



рида янада яққол кўзга ташланмоқда. Маълумки, аёллар ҳомилдорлиги вақтида боланинг тўғри ривожланиши учун иммун тизими, мия фаолияти шаклланишида кальций, йод (150-250 мкг), Д витамини (10 мкг), фолий кислотаси (400 мкг), темир (30 мкг) ва бошқа органик туқималарга бой маҳсулотларга бўлган талаб юқори бўлади.

— Озиқ-овқат хавфсизлиги, деганда, нафақат истеъмол маҳсулотларини, балки кенг ассортиментга, инсон саломатлигини мустаҳкамлайдиган юқори озуқабоплик хусусиятига эга экологик тоза маҳсулотлар назарда тутилади. Масалан, сабзавотларда витамин кўп деймиз, қиш-ёзн кўкатлар истеъмол қилишга интиламиз. Бунда асосий эътиборни нималарга қаратиш зарур, деб ўйлайсиз?

— ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, дунёда 2 миллиардга яқин одам истеъмол маҳсулотларидаги витаминлар, минераллар етишмаслиги сабабли, ўзларининг ақлий ҳамда психологик потенциалига эга бўлмайди.

Бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Сабзавотлар таркибидан калий моддаси ошқозондаги ортиқча сувоқликни чиқариб юбориш билан ачишиб

— Етиштирилаётган сабзавот маҳсулотлари кимёвий таркибининг жаҳон тиббиёти талабларига тўғри келадиган меъёр ва миқдорлари қандай?

— Охириги 10 йил давомида дунёнинг кўпгина агрорландшафтлари турли кимёвий моддалар билан ифлосланмоқда. Улар атроф-муҳитдан, тупроқдан, сувдан ўсимликка ўтади.


Таркибидан 5-7 фоизгача нитратлар бўлган сабзавот маҳсулотларини истеъмол қилинганда инсон организмнинг ҳужайра ва органларидан ксилорд билан таъминланиш даражаси пасайиб, натижада хансираш (ҳаво етишмаслиги), қон босими камайиши, жигар функцияси бузилиши, жисмоний ва ақлий жиҳатдан фаоллик сустаяди.

Катта ёшдаги ва ўртача 70 кг. оғирликдаги инсонлар истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларида 700 мг. нитратларнинг бўлиши жуда зарарли ҳисобланади. Шу сабабли ҳар бир килограмм тана оғирлигига нисбатан катта ёшдаги инсонлар учун 10 мг., болалар учун ўртача 4-5 мг. нитратларнинг бўлиши қабул қилинган. Бир суткада нитратларни озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидан қабул қилиш даражаси катта ёшдаги кишилар учун ўртача 500 мг. миқдорда белгиланган.

МУШОҲАДА

Бугунги глобал даврда ҳаётнинг талаби, замоннинг эҳтиёжи кун сайин ўзгариб бормоқда. Айниқса, кейинги кутилмаган офатлар миқёси олам ва одам дардларини ҳам бирлаштиради. Узоқ тарихий тамаддун тажрибалари шуни кўрсатдики, қай бир давр ва маконда олам ҳақида қарашлар, одам тўғрисида мушоҳадалар салмоғи юксалса, Уйғониш — Ренессанс қарор топади, гуманизм муқаррарлиги таъминланади, умуминсоний туйғулар вужудга келади. Бироқ инсон ботини ҳис-туйғулар билан тўлиқ бўлса ҳам хуррият орузи қадар қадр-қиммат эгаси энг камёбдир.

Қадимги миф ва эпосларда ҳам биринчи инсон Каюмарс бўлиб, кейинчалик у биринчи подшо деб ҳам талқин этилган. Унинг келиб чиқиши "Бундахшин" ёдгор-



МИЛЛИЙ ЎЗЛИК

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ ЯНГИ СТРАТЕГИЯСИ ЯРАТИЛИШИ ЗАРУР!



Жумакул ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси

Жамиятимизда маънавият масаласи энг долзарб вазифалардан бирига айланиб бораётгани бежиз эмас. Ахир халқни чинакам маънода халқ қиладиган, ҳамжихат этадиган омил бу миллий ўзликдир. Халқ маънавияти, азалий қадриятлари урф-одатларимизни бой бермаслик учун эса бизга миллий гоё сув ва ҳаводек зарур.

Ёш авлод онгу шуурига таҳдид соловчи асосий омил бу ўзлгимизга ёт бўлган гоёлардир. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида бундай гоёлар асосиди кураш авж олмақда. Дунёда кечаётган жараёнлар, аёвсиз рақобат муҳитида мафқуралар ўрта-

Биламизки, азал-азалдан халқимиз, "Бир болага етти маҳалла ота-она", деган нақла амал қилган. Бугун эса баъзи инсонлар кўшни боланинг бирон ноқуя ишени билса-да, "Менга нима, нима қиламан ёмон кўриниб", дейишгача бормоқда. Давлатимиз раҳбари ҳаммага — каттаю кичикка, бутун халқимизга огоҳлик кўнғирогини чалди. "Маънавият биринчи ўринда туриши керак", дея таъкидлади.

Буюк мутафаккир аждодимиз Алишер Навоий "Эл неби топқай мениким, мен ўзимни топмасам", деганида ҳар бир инсон ўзини қадрлаши, англаши ва ривожланиши, шундан кейингина уни эл таниши, эътироф этиши ва хурмат қилиши мумкинлигини таъкидлаган.

Жамият ва мамлакат ҳаётига нисбатан дахлдорлик туйғуси билан ёндашилса, ҳар бир киши ўзининг маънавию илҳами билан шахс сифатида шаклланади. Шу маънода, шахс ўзидидаги индивидуал ахлоқий фазилатлари билан бошқаларга ўрнатилган буни ҳис қилиши зарур. Бизнинг ота-боболаримиз ҳар жиҳатдан келажак авлодга нафақат катта илмий мерос қолдирган, шунинг баробарида уларнинг ибратли умр йўллари ҳам ҳавас қилишга аризуликдир. Аждодларимиз каби биз ҳам илм ва маърифатни атрофимиздаги инсонларга улаштиришимиз, эзгу ва катта мақсадлар йўлида кураша олишимиз лозим.

Одамлар кўпроқ маънавий-ахлоқий етук қишлоқларга талпиниб яшайди. Улардан ибрат, намуна олиб ўз ҳаётини қуришга интилади. Японларнинг ўзига хос ибораси бор: Япон бўлсанг бирор нима ярат! Бошқача айтганда, шахс камолоти миллат маънавиятидан айро эмас, яъни бир одамнинг ахлоқий фазилатлари бошқаларга ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Абдулла Авлоний, "Ҳар бир миллининг саодати давлатнинг тинч ва

хуружини амалга оширишда интернет тизими ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланмоқда. Ҳозирги пайтда улар орқали тарқатилётган миллий менталитетимизга ёт гоёлар ва ахборот хуружларини баъзи ёшлар тушуниб-тушунмай қабул қилаётганлиги ва унинг оқибатлари кишини ташвишга солади. Аслини олганда ахборот хуружларини амалга оширишда, аввало, инсон онги ва қалбини забот этиш орқали мафқуравий таъсир ўтказиш гоёси ётади.

Ижтимоий тармоқлар орқали дунё миқёсида гоёвий мафқуравий таҳдид сифатида намён бўлаётган ёвуз ва бузғунчи гоёлар таъсирини ўз вақтида англаш, улардан доим огоҳ бўлиш бугунги куннинг долзарб ва зифасидир. Бу жараёндаги воқеаларни ҳар бир юрдошимиз, биринчи навбатда, ёш авлод вакиллари чуқур англаб етишлари лозим бўлади.

Фикрлашдаги қашшоқлик, имон-этиқотда заифлашуви миллий қадриятларнинг заволига олиб келади. Биз, энг аввало, маърифий тарғиботнинг моҳиятини, кўзлаган эзгу мақсадларимизни обдон ўйлаб кўриб, ҳар биримиз тегишли хулоса чиқаришимиз, тарғибот ва ташвиқотда фидойи бўлишимиз, ўғил-қизларимизда эса одамлилик ҳиссини кучайтиришимиз талаб этилади.

Бундай шароитда бутун маърифий соҳа хизматчилари — барчамиз ҳали ҳаёт тажрибаси етарли бўлмаган, ахлоқий қарашлари эндигина шаклланиб келаётган ёшларимизни авайлаб-асраш, уларни миллий қадриятларимиз ва маънавиятимизга беғона турли хуружлардан ҳимоя қилиш ва шу билан биргаликда уларни гоёларга қарши кураштираш маъсулиятини англай олишимиз зарур. Бу жараёнда, аввало, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизни, аждодларимиз қолдирган

АЛИШЕР НАВОЙ АБАДИЯТИ ВА РЕНЕССАНС ЭҲТИЁЖИ



Усмон ҚОБИЛОВ, СамДУ доценти, филология фанлари доктори

ҳам шу қадар қиммат ва баланд рутбага эга бўлади. Жаҳон адабиётида бу масала иждоқларнинг доимо диққат марказида бўлиб келган, ҳар бир санъат асари олам ва одам моҳиятини ёритиш, англаш ҳамда англатиш масаласига қаратилгандир. Чунки, ўзбек адабиёти дарғаси Алишер Навоий ижодида бу масала талқини барқарор тасвирларга эга бўлиб келган. Шу боис, шоир асарлари ҳам, шахсияти ҳам олам қадар рангин, одам сингари мукамалдир. Бир томондан, олам ва одам масаласига муносабат бадий асар характер табиатида ўзига хос руҳ ва фалсафани вужудга келтиради. Оламни ўзича идрок этиш ва унда инсоннинг ўрнига баҳо бериш иждоқнинг ҳам, бадий асарнинг ҳам асл мудиридир.

Шу нуқтаи назардан, "Шоҳнома", "Шоҳ Эдил", "Қисаси Рабўғий", "Телба", "Фауст", "Бобурнома", "Қирол Лир", "Алломиш", "Қиёмат", "Анна Каренина", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Уткан кунлар", "Ёлғизликнинг юз йили", "Лисон ул-таир", "Жиноят ва жазо" ва бошқа шу каби асарларини олам ва одамга муносабати жиҳатидан қиёс этиб бўлмайди. Таққос этилганда ҳам масала идрокда ўзига хосликлар яққол намойиш бўлади, олам ва одам концепцияси бу асарлар бадийиётида ўз "муҳри"ни қолдиргани дарҳол кўринади. Ҳатто бир неча асарларда битта одам образи тасвирга олинган бўлса ҳам оламга бўлган қарашлар хилма-хиллиги улар моҳиятида кескин тафовутларни келтириб чиқаради. Алишер Навоийнинг биргина "Хамса" асарини оладиган бўлсак, гарчи бу тилда яна кўп асарлар яратилган бўлса-да, уларнинг ҳар бирини олам ва одамни идрок этиш масалаларининг ранг-баранглиги туйғулари бир образнинг турфа тинсоллари вужудга келган. Бу эса бадий асар поэтик олами ранг-баранглиги айни масала моҳиятини турлича англашидан эканини кўрсатади. Жаҳон адабиётдаги хилма-хил "изм"лар, бадий ижод тажрибалари ҳам шундан-дир. Шарқ, хусусан, ўзбек мумтоз адабиётда кўп асарлар давом этган анъанавийлик мана шу масалага бўлган қараш ва фикрлар муштараклиги билан изоҳ топади. Ўрта асрлар Шарқ — Исломи Ренессанси мутафаккирлари олам ва одам масаласига доир турлича нуқтаи назарларини билдирган бўлса-да, моҳиятан бир хулоса ва мантқиқ таянганлар. Бу Алишер Навоий қаламига мансуб ушбу сатрларда ўзининг тугал ифодасини топгандир:

Оламу одам фидона ўлсун-ки борсен, эй ҳабиб,
Сен ғарз инсондин, ар оламдин инсондур ғарз.

Бу сатрлар насрий баенда: "Эй ҳабиб, сен борсанки, олам ва одам сенга фидо бўлсин, инсондан мақсад сансан, оламдан мақсад эса инсондир" тарзида шарҳланади.

Навоий талқинида олам ва одамдан ташқари "сен" олами ҳақида ҳар бормоқдаки, бу масала шарқона маърифат билан боғлиқдир. Чунки шоир таъкидлаганидек, олам ва одам айнан ўша "сен" туйғулари. Гап шундаки, олам ва одам бир масала сифатида қаралгунча қадар ҳам қадимда бу ҳақида турли афсонавий-мифологик қарашлар юзага келган эди. Улар ижод маҳсули сифатида бадий талқинларга муайян даражаларда таъсир этиб келади. Мисол учун, ислоний, иброний, насроний қарашларида биринчи инсон сифатида Одам (Адам), зардуштийлик ва унганча бўлган мифик талқинларда Каюмарс тилга олинади.

лигида-да учрайди. Каюмарс биринчи инсон ва шоҳ сифатида ўрта асрлар қарашларида сақланган эди. У ҳақида Табарий, Саолибий, Беруний, Фирдавсий, Баламий каби буюк қомусий олимлар ёзиб қолдирганлар.

Масалан, "Шоҳнома" бўйича Каюмарс инсонларни қоронғу ғордан олиб чиқиб, тоғларда уй қуриб яшашга ўргатган, шаҳарлар бино этган сиймодир. Умар Хайём "Наврўнома"сида Каюмарс кўёш йили бўйича ўн икки ой ҳисобини яратгани қайд этилади. Каюмарс халқ афсоналарида йирик қимматбаҳо гавҳар эгаси бўлиб, уни сирли равишда сақлаши айтилади. Худди шунга ўхшаш афсона қадимги Хоразмда ҳам сақланиб қолган. Мифга кўра, одам осмоний (руҳоний) ва заминий (нафсоний) яратик, унда яхши ва ёмон хислатлар мавжуд. У ёруғлик ва қоронғулик нисбатидан вужудга келган бўлса-да, эзгу мақсадлар тинсолдир.

Иккинчи Ренессанс даври мутафаккири Алишер Навоий ижодида олам ва одам масаласи ниҳоятда теран руҳда талқин этилади. Мана шу башарий-илоҳий теранлик мутафаккир ижодининг абадийлиги таъминлайди. Ислоний манбалардаги масалага бўлган қарашлар Алишер Навоий фалсафий-бадий талқинларининг бош масаласига айланади. Аслида шоир бадий асарларидаги ҳамду сано, муножат, васф, мадҳ, наътлар ҳам олам ва одам шарафи учун бағишловдир. Булардан кўринадики, қадимул айёмдан олам ва одам масаласи ҳар қандай таълимнинг асоси бўлиб келган. Яъни олам моҳияти одам ва аксинча одам моҳияти олам орқали идрок этилган. "Мен яширин ганж эдим. Менинг Тангрилигимни билувчи ҳеч ким йўқ эди. Мендан фойда олсин, деб халқ яратдим. Мен улардан фойда олайин деб яратмадим" қудсий ҳадиси айнан шу уйғунлик акс-садоқидир. Шарқона қарашлар бўйича Аллоҳдан бошқа ҳаммаси "олам", фақат унинг ўзи оламлар эгасидир. Коинот ҳам инсонда акс этади. Инсон оламлар асли, унинг кичик нусхаси, зоҳирда кичик, ҳақиқатда улғур оламдир. Бунда амр олами, фаришталар олами, руҳлар олами, ғайб олами, қудрат олами, илоҳий олами — "олами маънавия" бўлса, дунё олами, коинот олами, халқ олами, зоҳир олами, туйғули олами, ашёлар олами "олами мул" саналади. Уларнинг марказини эса инсон олами ташкил этади. Ҳар иккала оламдан мақсад ҳам инсондир. Алишер Навоий таъбири билан айтганда:

Офаринишдин қилиб инсон ғарз,
Они айлаб халқ чинда безავ.

Яъни яратилишдан мақсад — инсон бори яратилганлар ичидан тенги йўқдир. Бу талқин: "Биз Одам болаларини муқаррам қилдик", "Биз инсонни гўзал суратда яратдик" каби ояти қарималар ифодасидир. Инсоннинг мана шундай "безавз" лиги ҳазрат Алишер Навоий лирик-эпик ижодиётининг бош масаласи ҳисобланади. Алишер Навоий асарларида шаклланган олам ва одам масалалари талқини ҳодисаси бутун мумтоз адабиёт жараёнида бир моҳиятга эгадир. Гап шундаки, ҳар қандай тамаддун одам ҳақиқатларига яқинлик, инсон манфаатларига мослик эҳтиёжи самараси ўлароқ юз беради.

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев сайё-ҳаракатлари ва Учинчи Ренессанс ҳақидаги қарашлари замирида улкан цивилизация — Уйғониш тажрибаларига эга миллат ва мамлакат тараққиёти, келажаги учун фидойиллик бор. Бу йўлда амалга оширилаётган эзгу, хайрли ишлар ва эл-улус ғамидан бошқа ғами бўлмайдиган туйғулар ҳаётимиз мезонига айланмоғи зарур. Зеро, бугунги глобаллашув ҳам, Учинчи Уйғониш — Ренессанс талаби ва эҳтиёжи ҳам шундан иборатдир.

сидаги кураш тобора кескинлашмоқда. Оқибатда бузғунчи гоёлар урчи-гандан-урчиб, носоглом қарашлар кучаяётир. Хўш, бунга қарши қандай курашмоқ керак?

Президентимиз шу йилнинг 19 январь кунини маънавий-маърифий ишларни тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамият ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида баъжаришимиз зарур бўлган аниқ вазифаларни белгилаб берди. Давлатимиз раҳбари ҳаётда маънавият масаласи энг устувор ва энг биринчи вазифа эканлигини таъкидлаб, ҳозирги кунда маънавий тарбия тузулишининг янги стратегиясини яратиш тобора муҳим вазифага айланаётганлигига алоҳида эътибор қаратади.

"Агар кимдир, маънавият масаласи — бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, катта ҳато қилади", — деди давлатимиз раҳбари. Чиндан ҳам нафақат ҳар бир оила ва ҳар бир жамоада, балки ҳар битта инсон учун қайсидир ташкилотни маънавият иши бўйича жавобгар ёки масъул деб билишимиз тўғрими? Умуман, маънавият деганда биз нимани тушунамиз, нимани англаймиз?

роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир", деган. Шу ҳикматта ҳамоҳанг тарзда давлатимиз раҳбари, "Шарқ донишмандлари айтганидек, энг катта бойлик — бу ақл-заковат, илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу имисизликдир", дея таъкидлаб ўтган эди.

Ҳар қандай юксалиш ортида илмий салоҳият ётиши тарихдан маълум. Ҳамама даврда ҳам маърифат инсон руҳиятининг устуни ҳисобланган. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш лозим. Президентимиз ташаббус билан китобхонлик маданиятини кучайтириш, ёшлар ўртасида миллий адабиётимизни тарғиб қилиш учун мамлакатимиздаги ўн миңдан зиёд мактабларда ижодий ва маънавий ишлар бўйича тарғиботи лавозими таъсир этилгани иждоқор зиёлилар зиммасига янада катта масъулият юклайди. Ёшларни Ватанга, қадриятларга, миллий урф-одатларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўлиш иждоқорларнинг асосий мақсадига айланиши лозим.

Айни пайтда дунё ёшларининг 96 фоизи ижтимоий тармоқлар орқали ўзаро мулоқотга киришар экан, бугунги кунда инсон онги, қалбига ва руҳиятига таъйик ўтказишга ҳаракат қилаётган ғарзли кучлар ахборот

ноёб маънавий меросни ўрганиш ва тарғиб этишни тубдан кучайтириш ва қўламини кенгайтириш мақсада мувофиқдир. Бунинг учун маънавий-маърифий соҳа ходимлари маъсулиятини янада ошириш зарур.

Ватан — инсон туйғули ўсган, ота-боболари яшаб ўтган ва авлодларининг тинч ҳамда хотиржам яшаб ўтиши таъминлаган зарур бўлган табаруқ замини. Ота-онани танлаб бўлмаганидек, ватанни ҳам танлаб бўлмайди. Шундай экан, шукроналик, аввало, Ватан туйғусини англаб етишдан бошланади. Инсон ўзи туйғули ўсган жойидан, Ватанидан узоқда яшashi, ривожланиши мумкин, лекин Ватани ва ватандошларига ёмонлик тилаши мумкин эмас. Истаимизки, ҳар бир инсон ўзи қадрланган жамиятдагина тараққий қилади. Чунки миллий юксалиш — ўзини, ўз-ўзини, Ватани ва ватандошларини англаган ҳамда қадрлаган онгли, фидойилик ҳамда садоқатли инсонларнинг ҳамжиҳатлиги ҳаракати натижасидир. Шундай юрдошларимиз сафни кенгайтиб бормоғи учун ҳар биримиз ўз маслағимизни ҳимоя қилишимиз, улкан мақсадлар рўёби учун биргаликда ҳаракат қилишимиз жуда муҳим, деб биламан.

